

Ҳалима ҲАМРОЕВА

ДИЛРОЗ

(шეърлар)



«Бухоро» нашриёти, 2005

84(55)6-5 бадниг 242бнёт —
Илк учрашув Шеърлар

Ҳалима Ҳамроева виждувонлик. Ү ёшлигиданоқ адабиётга ихлос қўйган. Ихлоси шеърияятга ошуфта бўлди. Мактаб дарсликларидағи шеърларни ёд олиб, ифодалии үқишини қойиллатиб ундан завқ туйиб юрди. Тошкун завқ шеърга ташналикни алгангалатди. Юракда илҳом пайдо бўлди. Ҳалима баҳоли-қудрат шеър қоралай бошлади. Табиат, дўстлик, қишлоқ манзаралари назмий сатрларда чизилди. Кучли иштиёқ уни туман газетаси таҳририятига бошлади. Адабий ходимдан шеърларини кўриб беришни сўради. Бу ҳакда мақтоб ҳам, танқид ҳам эшилди. Шеър устида ишлаш давом этаверди. **Ва** ниҳоят ўша кутинган кун келди. Ўринчи шеър газетада босилди. Қувонч, шодлик, юрак ҳаприқишиларини айтмайсизми?! Иш улк насибага ҳам ўн ийлдан ошиб қолди. Ҳалима тинмай ёзаверди. Шеърларидаги қуруқ тасвир ўрнини мушоҳада, оддий баён ўрнини ҳис-ҳаяжон эгаллади. Ү шеър нима эканлигини илгаб етди. Ниҳоят яна бир журъат кўнгилга маҳкам ўрнашди. Ўринчи китобига тартиб берилди. Уни қўлёзма ҳолида ўқиб, қуончак уй бекасининг бўи вакътлардаги машувулотини самарасидан қувондим. Ўч-тўртта шеърни тўйпламдан сугуриб олишга тўғри келди. Тўйпламга қолган шеърларда қишлоқча соддалик, ён-атрофга бепарво эмаслик, таниш чеҳраларга чексиз меҳр, муҳаббатга қуллуз борлиги ижодкорнинг сиз-у бизга эҳтироми рамзиdir.

Ҳалима катта шеърият даъво килаётгани йўқ. Унинг шеърларида озгина лирик кайфият борлиги китобни бараклашга бемалол изн беради. Шеърият мухлислари билан илк учрашувинг муборак бўлсин, Ҳалима!

Дилмурад Жаббор

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аҳдоси.

20.06 | Alisher Navoiy nomidagi
5900 Oʻzbekiston M.K.

W 32076
D

Sizni sog`inaman

Tanim iztirobdan kuysa, sham misoli,
 Armonga, kul bo`lsa sog`ingan visol
 Bag`rimni tilkalab g`am quchsa bisyor,
 Sizni sog`inaman, ona-onajon!

G`am kulfat ko`rmagay oqar daryolar,
 Cho`qqilar viqori, ko`k o`par tog`lar
 Mening dardnoq qalbim, kimga ham yoqar
 Sizni sog`inaman, ona-onajon!

Qalbimni ezadi bir mungli tuyg`u,
 Ko`z yoshim sel bo`lib oqadi qaug`u,
 Tog`u-toshda eshitib, yiglaydi ohu
 Sizni sog`inaman, ona-onajon!

Ko`zlarimga siz-siz olam zim-ziyo,
 O`rningizni bosolmay nur, ziyo,
 Qarog`imda turasiz porlab guyo,
 Sizni sog`inaman, ona-onajon!

Muhabbat

O, muhabbat sening bo`yningdan,
 Qonmoq o`zi qanchalar huzur
 Hasrat, alam arir ko`nglingdan
 Ruhing tuyar ajib baxt, surur.

Sen sho`x qizning ko`zidagi o`t,
 Kelinchakning yuzidagi nur.
 Sen shoirning qalam uchidan,
 To`kilay deb titrab turgan dur.
 Sen, shunchalar ohangrabosan,
 Nafosatu, latofatga boy.
 Tug`yon berib osuda dilga,
 Sen bamisli bedor, toshqin soy.

Qish qoridek, billur tuyg`uli,
 Bahor chogi ochilgan gulim,
 Sen borsanki, yiroqdir qayg`u,
 Sen borsanki, munavvar dilim.

Onamga

Onajonim, sizni erka qizingizman,
 Dadam aytgan oydekkina yuzingizman,
 Bu dunyoda sixning ko`rar ko`zingizman,
 Onajonim, ko`zlarlingiz g`am ko`rmasin.

Onajonim, sochlaringiz oqinu pay
 To tirikman, yuzingiz cho`gi bo`lay,
 Izlaringiz ko`zlarimga surma qilay,
 Onajonim, ko`zlarlingiz nam ko`rmasin.

Onalonim, etakingiz mehrobimdir,
 Izingizman, farzandlarim chirog`indir
 O`gitingiz yo`lda tayanch, yarog`imdir,
 Onajonim, ko`zlarlingiz g`am ko`rmasin.

Hijron

Sog`inch dardi kuydirar tunlar,
 Hijron toshi dilni yondirar,
 Kayda qoldi totli tuyg`ular
 Kayda qoldi shirin xayollar.

Oppoq, oydin yo`laklar bizni
 Yetaklardi xiyobon sari,
 Soyamizning birlashuvidan
 Tepamizda baxt entikardi.

Nima bo`ldi-bilmayin qoldim,
 Baxt o`rnini oldiku hijron.
 Sening vasling kuyida yondim
 Kel azizim, kelaqol jonon.

Ayol

Sen shunchalar noziksan, ayol
Xayollaring shunchalar shirin.
Sen nurlardan yaralgan xayol,
Vujudingda tug`yon yashirin.

Dilda bisyor dardu alaming,
Yashirasan dudoqlaringda.
Lablaringda mayin tabassum,
Jilolanar yonoqlaringda.

Сен нақадар дилбарсан аёл,
Йўғрилгансан назокат билан.
Иффат сенга ҳамиша ҳамроҳ,
Малоҳатда нозиксан гулдан.

Majnuntol

Мажнунтолим, сен нечун,
Ерга қараб турасан.
Қирқта ўраб кокилинг
Ширин хаёл сурасан.

Машуқасан дардингни
Айтолмайсан бирорга.
Тинглаб йигит-қиз розин
Қаролмайсан юзимга.

Onajonim

Onajonim, sochlaringizni
Yuzlarimga surtgim keladi.
Onajonim, yuzlaringizga,
Mehr bilan boqqim keladi.

Onajonim, ta'rifingizga,
So`z topolmay, o`ylab erta kech,
Shunchalar ham munisu-shirin,
Dil mehringiz tugamaydi hech.

Siz dardakashim, siz sirdoshimsiz,
Siz mehrobim, mushfiq oqilam.
Siz bog`imda ochilgan gulim,
Yozsam kamdir, ming bitta qalam.

Orzularim

Orzularim qanot ber menga
Ko`kka tomon parvoz qilayin,
Yulduzla suhbanlar qurib,
Shiringina xayol surayin.

El dardida kuyinib-yonib
Dildan yonib kuylasam deyman,
Muhabbat oshno dillarni
Qalblariga nur chiroq yoqsam.

Ul mehribon oq ko`ngillarni
Malham, bo`lsam dardiga shoyad
Onajonim mehribonimni
She'rga solib kuylasam faqat.

Ona elim

Tuprog`ingni ko`zga surtay ey, ona elim,
Suvlaringni suyib upay ey, ona elim,
Yuzlaringa yuzim kuyib, adoying bo`lay,
Quchog`ingda bir gul bo`lay ey, ona elim.
Seni yomon deganlarga tor bo`lsin dunyo,
Ta`na toshi otganlarga dor bo`lsin dunyo,
Tuzing ichib tupurganga la`nat muqarrar,
Elning asl o`g`loniga bor bo`lsin dunyo.
Sen sahrodan dur undirgan, qadoqqa'l elim,
Buyukligin o`zi bilmas soddadil elim.
Sof mehnatin ila yurtni menavvar etib,
Mangu e'zoz, qadr topgan bola fe'l elim.
Mudom bo`lsin bog`laringda bulbul xonishi,
Navbahorda ogoh etsin ko`klamning to`yi
Sening madhing menga erur beqiyos huzur
Omon bo`l el, omon bo`l yurt ey, Xumo qushi.

Six...

Siz muhabbat bog`ining beqiyos sultonisiz,
Siz sadoqat bobining bepoyon ummonisiz,
Siz desam sahrolarda oh urgan Majnundayin,
Bu umr karvonimning yo`ldoshi, sarbonisiz.

Siz Farhodsiz, men esa Shirinning ol qoniman,
Goh Laylidek sargashta oshiqning darmoniman,
Siz Otabek, men ila baxtiyor shu zamonda, —
Ne baxtki, men Kumushning ushalgan armoniman.

Manzara

Ko`k yuzini qoplaydi bulut,
Guldiradi momoqaldirok.
Chaqindayin yorishib falak,
Derezamga urildi chaqmoq.

Yomg`ir yogar misoli sharshara,
Yerda uzin izin qoldirib
So`z ham kelar quyun misoli,
Kayolimga yomg`irday bo`lib.

Tomchilar mening har so`zim
Aylanadi tuyg`ular baytga.
Yashindayin yorishar yurak,
Oshno bo`lib munavvar paytga.

Qizg`aldog

Qizg`aldog`im, sen o`xshaysan suluv qizga,
Ilk sevgiga oshno bo`lgan g`uncha yuzga.
Qomatlari nozik nihol bir suluvning,
Ibosiga qiyos yo`qdir sizdan o`zga.

Qizg`aldog`im, sen o`xshaysan qizaloqqa,
Otash mehr porlab turgan dur yonoqqa.
Qora, shahlo ko`zlariga shabnam qo`ngan,
Quloqlaring o`xshab ketar dur baldoqqa.

Bag` ritogi ayolga

Qaydin keldi shuncha dard alam
 Qaydin keldi shuncha iztirob
 Hamroq bo`ldi qaydin bedorlik,
 Kutganlarim bo`ldimi sarob?

Ado qilib hajring o`tida,
 Kuydirgancha borlig`im-bormi.
 Qayrilib ham boqmay holimga,
 O`tib ketding-bagritosh yorim.

Kimdan o`tdi, - mendanmi, sendan.,
 Tingla so`zim, bevafo sanam
 Qalbing omon bo`lsa kelaqol,
 Dildan o`chsin qayg`u va alam.

Oshiqmisan

Bolam, nega tunlaring bedor?
 Oy misoli ko`zlarin xumor?
 Bulbul kabi qalbing titrar zor,
 O`g`ilginam, oshiqmisan yo?

Qora sochmi, senga bog`lanmish,
 Shahlo ko`zmi, qakbga bandlanmish?
 Qay bir dilga dil payvandkanmish?
 O`g`ilginam, oshiqmisan yo?

Stvaman, deb shivirlar labing,
 Mehabbatni sog`inish ta`bing,
 Intizormi chashming, qarog`ing,
 O`g`ilginam, oshiqmisan yo?

Otajonim

Otajonim-mening mungli darmonimsiz,
To`yolmagin, lekin mangu armonimsiz
Kecha-kunduz xotiringiz tayanch menga,
Diydorimga to`ymay ketgan sarbonimsiz.

Farzandingiz chirog`ingiz-yoqdi bu kun,
Armoningiz yog`du bo`lib balqdi bu kun,
Dilbandlarim loyiq bo`lsin izingizga,
Ko`zlarimdan armon seli oqdi bugun.

Qizlaringiz o`sib, unib ustoz bo`ldi,
O`rningizni bosganlari xo`p soz bo`ldi.
Akam-ukam hur Vatanim ko`makchisi,
Madhingizni qancha bitsam u oz bo`ldi.

Otajonim-mening mungli darmonimsiz,
To`yolmagin, lekin mangu armonimsiz
Kecha-kunduz xotiringiz tayanch menga,
Diydorimga to`ymay ketgan sarbonimsiz.



Samo

Ey samo osh ruxsoringni,
 Qoshu-kamoningni ko`ray.
 Tanga malham, dilga huzur,
 Chashmu-hilolingni ko`ray.

Oy ruxsoring ilkidagi,
 Ofatu holingni ko`ray.
 Kunduzi karvonga sarbon,
 Yulduz zilolingni ko`ray.

Namozshom mashhar misol,
 Botguvchi cho`g`ingni ko`ray.
 Jamolingo jilvasi ichra,
 Ham boru, yo`g`ingni ko`ray.

Ey samo jamolingo ni,
 Aylama jonim yoqib.
 Xusninga shaydo qilgan,
 Navvotu bolingni ko`ray.

Humo qush charx aylasin,
 Boshimiz uzra tinmayin.
 To tirikman bu hayotda,
 Nurli iqbolingni ko`ray.

Kuylari...

Majnuntol tushida qiz yif`lar emish,
 Yigitga aytolmay sevgi daftarin.
 To`lin oy ichikib rahmi kelarmish,
 Tinglab qizning achchiq sevgi daftarin.

Majnuntol jilmayib uygondi tongda,
 Yana bir beg`ubor billur tong otdi.
 Qizning ham ko`nglida yorishdi oftob,
 Kuylari

Kuylari

Elni

uyg`otdi.

Ustozsa ehtirom

Ustozga ehtirom

Ziyo nuri taratuvchi qaylu dono,
 Mehr nurin taratuvchi ilmli zukko,
 Hayot bog`in yaratubchi komilu zamon,—
 Ey aziz ustozim, sizga ehtirom!

Bilim berib ko`zingiz nurga to`ldi,
 Mehr berib qalbingiz durga to`ldi,
 So`zlarizingiz bavisoli gavhardek,—
 Ey aziz ustozim, sizga ehtirom!

Bag`ringizning g`unchalari qiyg`os bo`ldi,
 Unib o`sib o`zlari ham ustoz bo`ldi,
 G`ururlangan ko`nglingizda e'zoz bo`ldi,
 Ey aziz ustozim, sizga ehtirom!

Bahor osmoni

Qora chodir kiyindi osmon,
 Ko`kni tutdi guldiros momo.
 Kun aylandi xuddi tun kabi,
 Yoshin toqkdi zerikkan samo.

Kamalaklar quvnatib ko`zni,
 Ovutmoqchi go`yo samoni.
 Ko`k, bulutlar ko`rqan boladek,
 Qochib qoldi quchib oftobni.

Osmon xafa boqib zaminga,
 Dardin aytmoq bo`lar istagi.
 Yog`dularin yuborib ko`zlan,
 Dil qatida qoldi tilagi.

Quyosh ko`kda xuddi kelinchak,
 Oy bulutlar yoyildi ho`shhol.
 Tabiatning xush jilvasidan,
 Qir-adir lol, dov-daraxtlar lol.

Tabiat

Tabiat aylading oshig`u shaydo,
 Jamoling qalbimni maftunkor etdi.
 Ta'ninga hush yoqib musaffo havo,
 Ishqimni olamga oshkor etdi.

Inassiqliging mening fe'limdek go`yo.
 Suluvliging gullardek barno.
 Chor atrofing nurli ser jilo,
 Sen dilovar, sen guli-ra'no.

Shu'lalaring ko`nglimdayin oq,
 Otash qalbing qo'shikdek mumtoz.
 Injularing viqorli oppoq,
 Kelgil kuylab otash qalbim yoq.

Mulogot

Sen nechun xomushsan, oppoq teragim,
 Bo`yinh axir etti osmon bilan teng.
 Senga meni juda havasim baland,
 Osmonni bag`ri keng, ko`kni bag`ri keng.

Ey, ok terak, okbadan terak,
 Qo`llaringni yulduzlarga cho`z.
 Ey, yorining yo`liga qaragan malak,
 Yulduzlar haqso`z, oymomo haqso`z.

Dildan dardlashaver, yuragingni och,
 Ko`kda maydagaplik aslo bo`lmaydi.
 Ayt, aytaver dilingdagingni,
 Oymomo kulmaydi
 yulduz kulmaydi.

Bahorim

Keldingmi bahorim, gulim gul yuzim,
Seni dala qirlar, anhor sog`indi.
Sog`indi elu-yurt, sog`indim o`zim,
Boychechak, chuchmomo, gullar sog`indi.

Oollohga shukurki turnalar qaytdi,
Uyimga charx urib qirdi qaldirg`och,
Osmon ham bog`ladi kamalak belbog`
Dehqon ishlariga tilandi rivoj.

Bahorim, navho`zim, jonim jahonim
Butun borligimni lolangday yondir.
Intixor qalblarni vaslinga chorla,
Sen bahor, sen homor, guli-rayhonimdir.

Dalam

Nozikkina ingichka qalam,
Sirlarimdan yolg`iz guvohim,
Sirdosh o`zing, darddosh o`zingsan,
Ayirmasin sendan ilohim.



Ota qishloq

Bir qishloq bor shahar chetida,
 Sog`inchlarim sel qilgan qishloq.
 Bir qishloq bor shahar chetida,
 Mehrim unga payvasta, mushtoq.

Unda qizlar keng dalalarda,
 Qo`shik kuylab aqtadi alyor.
 Keksalari hirgoyi qilar,
 Omon yorni, kuylab omon yo...

Egatlarda paxtalar qiyg`os,
 Shivir-shivir aytar ertagin.
 Chevarlari bir-birin imlar,
 Hoy, Shohsanam o`zing kuylagin.

Oppoq paxta gar aytsa qo`shik,
 Qizlar kulib tushar raqsga.
 Quyosh boqar mahliyo bo`lib,
 Paxtazordek oppoq naqshga.

Bir qishloq bu, soddadil qishloq,
 Odamlari gurungga tashna.
 Otajonim o`tgan qishloq, bu
 Chiroy ochgin, gullagin yashna.

Bulbulim

G`amzalaring lol ayladi bulbulim,
 Dilimni xushqol ayladi bulbulim,
 Xonishingga sadqa bo`lsin bu jonim,
 Bulbulginam, bulbulginam, bulbulginam.

* * *

Gullar bargi uzra shabnam tomchilar,
Shoirlar nazdidan bu billur bayot.
Har tongni qarshilar oppoq orzular,
Orzu bilan ko`rkam munavvar hayot.

Baxtimning tongida ishqimning sozi,
Sayroqi bulbulim, dilimga xamroz.
Tanimni yayratar, otash qutoshim,
Baxtimsan,

baxtimsan,

kelar xush

ovoz.

Muhabbat

Tug`yon urar qalbda bir tuyg`u,
To`lqin kabi ko`pirar yurak.
So`zim bezovtadir, o`zim bezovta,
Uyqusiz tunlarim-bu ishqdan darak.

Zayollarim uchar sen tomon,
Yurakda bir ajib tola tup.
Ko`rgim kelar seni ey, dildor,
Yurakda bir ajib g`alayon.

Talpinaman gul xummorimga
Xayolimda xushsur'at visol,
Qanday savdo tushdi boshimga,
Yo sevgimu, yo ishqmu savol?!

Bu muhabbat qalbing etar rom,
Bu muhabbat ko`piradi kon.
Muhabbat deb hayqirgim kelar,
Bu muhabbat sevgi to`la jom.


She'riyat

Qalbimni chulg`asa, alam iztirob,
Dilimni bog`lasa qaygu va hasrat,
Nadomat qoplasa tanimni mutloq,
Sendan najom topdim go`zal she'riyat.

Gohida shodonlik, goh o`ksiganda,
Goh tushda, gohida Ayni tong fursat,
Goh yonib, goh kuyib, shamdek qotganda
Sendan najom topdim azal she'riyat.

Sen mening yakka-yu, yagona dardim,
Sevinchim, quvonchim, dilimda kat-kat.
Sen mening, yilt etgan mehr quyoshim,
Sendan najom topdim g`azal she'riyat.

She'riyat, sen mening do`stim, dildoshim,
Tilagim, istagim, baxtim, sof niyat.
Sening nafasingsiz shamolman izsiz,
Sendan najom topdim asal she'riyat.



* * *

Qushlar o`tayotir bamisli ummon,
Yosh ham o`tayotir bamisli xazon,
O`ylasam muallaq biror narsa yo`q,
Bari o`taverar shaksiz, beomon.

Bu dunyoda baxor o`tkinchi,
Xattoki go`zallik dildor o`tkinchi,
O`tkinchi, yilda bir keluvchi ko`klam,
Bulbuldek g`amzali xummor o`tkinchi.

Yillar o`tkinchidir, kunlar o`tkinchi,
Zulmatdan korong`u tunlar o`tkinchi.
Ortga aslo qaytmas umr bahori,
Sevgidan entikkan onlar o`tkinchi.

Faqat insonlardan qolur xotirot,
Kobil farzand ila qolur yaxshi nom.
Qoladi otashin sevgi yolqini,
Umr-tong bilan, qorong`ulik shom.

Non ushog'i

Oyoq ostiga tushgan
Ushoqni olgin bolam.
Xudonung oldiga ham
Savobga qolgin bolam.

Ota-onang mehnatin,
Qadrla jonim bolam.
Axir o`sha usjoq ham
Non deydilar shalolam.

Mul bo`lsin bug`doyimiz
Mo`l-ko`l bo`lsin donimiz,
Vatanimiz boy bo`lsin
Serob bo`lsin nonimiz.

Dunyo

Sen bag`rimni dog`lama dunyo,
O`ksina qalbim tiglama dunyo,
Yoshlikdagi armonlarimni,
Qayta boshdan boshlama dunyo.

Otaginam ruhini shod et,
Armonlari bari ushalsin.
Onaginam umrin uzaytir,
Dilim to`yib mehrga qonsin.

Nuridiydam chekar zahmatni,
Ko`rmasin hech qaysi bir farzand.
Dillarida neki istak bor,
Dunyo o`zing qilaver dilband.

Muhabbatim, qaydasan? (Qo`shnim Mehrinisoga)

Muhabbatim qayga ketding ko`zim yoshlab,
Hijron yoqdi bir umrga ko`nglim g`ashlab,
Armon yig`lar yuragimda ko`ksin mushlab,
Muhabbatim qayga ketding, meni tashlab?

Yurak axir sen tomonga talpinadi,
Qarorim yo`q, — figonimdan chang chiqadi,
Mayin yellar sochlarimdan tortqilaydi,
Muhabbatim qayga ketding, meni tashlab.

Yotay desam yostiqlarim toshdek qotdi,
Yuragimning yolqinlari muzga botdi,
Binafshalar menga boqib qo'shiq aytди,
Muhabbatim qayga ketding, meni tashlab.

Balki bir kun boshing egib kaytadursan,
Pushaymoning yig`lab - yig`lab aytadursan,
Farzandingdan mehru - shafqat istaydursan,
Muhabbatim qayga ketding, meni tashlab?

Daramading yor

Nigohingga edimku tashna,
Qaramading bir bor qayrilib.
Qalbim dardi kuchaydi yana,
Qaramading bir bor qayrilib.

Hijron dardi bu ko`nglim yoqdi,
Shabadalar gulchambar taqdi.
Urib turgan yuragim yondi,
Qaramading bir bor qayrilib.

Armon bilan o`tdim bir umr,
Gam alamda qoldim bir umr.
Vasling menga qilmadi nasib,
Qaramading bir bor qayrilib.

Kuz yaproqlari

Men sog`indim ishq yo`lagida,
Kuz to`sghan oltin yaprog`ni.
Senla kezgan ajib olamda,
Suygan edim xazonrez chog`ni.

Yaproqlarda kuzning surasi,
Mehabbatday ko`nar yurakka.
Oshiqlarning menga devonasi,
Mahkum edim jonni bermoqqa.

Men sog`indim gilam tushagan,
Kuzning oltin yonoqlarini.
Daydi shamol barglari uzra,
Ishq xatidek yaproqlarini.

Bekajonlarim

Siz bag`rim olmosday otash yog`dusi,
Siz oppoq baxtimning nurli quyoshi.
Siz ko`nglim gavhari shomu chirog`i,
Oydin-oydek bekajonlarim.

Ko`nglingiz mahliyo sher yigitlarga,
Dovyurak pahlavon er yigitlarga.
Nomard emac, zukko, zo r yigitlarga,
Nozli-nozli bekajonlarim.

Siz ota-onangiz ko`zi qarog`i,
Obro`sni, vijdoni, nomusi-ori.
Siz bilan kelajak porloq, viqorli,
Suluv-suluv bekajonlarim.

Kelajakda totli hayot yor bo`lsin,
Qaynonangiz mehr ila sizga termulsin.
Yoringiz chin dildan sevib gul tutsin,
Hayoli-iboli bekajonlarim.

Begim

Sevgim, muhabbatim qakbim tayanchi,
Hayotim ishonchi, baxtim quvonchi,
Muhabbatim toji, mehrim chashmasi,
Qalbim sizga baxshida begim.

Sizning mehringizla oq baxtim ulug`,
Hayotda iqboki po`z topdim buyuk,
Armon emas, sevgi otashli suyuk,
Qalbim sizga baxshida begim.

Qoshlarim payvastasi bo`lsin kamon,
Qalbim cho`gi bir umrga qolsin posbon,
Baxtimiz gul daftari to`lsin shodon,
Qalbim sizga baxshida begim.

Sevgimiz g`unchasi topmasin zavol,
Farzandimiz yetuk topsinlar kamol,
Ollohim bersin porloq istiqbol,
Qalbim sizga baxshida begim.

Oshiqmisan?

Bolam, nega tunlaring bedor?
Oy misol ko`zlarin xummo?
Bulbul kabi qalbing titrar zor,
O`g`ilginam, oshiqmisan yo?

Qora sochmi, senga bog`lanmish,
Shahlo ko`zmi, qalbga bandlanmish?
Qay bir dilga dil payvandlanmish?
O`g`ilginam, oshiqmisan yo?

Sevaman, deb shivirlar labing,
Muhabbatni sog`inlishi ta`bing,
Intizormi chashming, qarog`ing,
O`g`ilginam, oshiqmisan yo?

Bolam

Alla bolam, alla bolam,
Yig`lamagil sen dam-badam.
Ota-onang bo`lur hamdam
Yoshlikdan mard o`sgin, bolam.

Mard o`g`lon tanti bo`ladi,
Elining oldi bo`ladi,
Vatandan quvvat oladi,
Yoshlikdan mard o`sgin, bolam.

Yomonlarga yo`ldosh bo`lma,
Nomardlarni sirdosh bo`lma,
To`g`ri yo`ldosh hech adashma,
Oriyatli bo`lgil bolam.

Ota-oyayg so`zin o`yla,
Yaxshiga yaxshilik ayla,
Yurt ishqini dilga isoyla,
Oqilginam bo`lgin, bolam.

Mag`rur bo`lgin

Senga ravo ko`rmasman hargiz,
Musibatni, qayg`u alamni.

Senga ravo ko`rmasman hargiz,
Yo`lda hamroh nomard odamni.

Tunlar uyg`oq yulduzga boqib,
Or-u, nomus haqda o`ylayman.
Vujudimni titroqlar bosib,
Tongga peshvoz chiqsa boshlayman.

Ba`zilar bor qo`nimsiz chumchuq,
Shoxdan-shoxcha sakrar, dardi pul.
Birovlar bor or, nomus deya,—
O`z qadrini saqlaydi mag`rur.

Mag`rur bo`lgil ey odamzod,
Obro` hech ham pul bilan kelmas.
Vujudinga bo`lgil soyabon,
O`z qadringa o`zing yet sang bas.





Сизни согинаман

Таним изтиробдан куйса, шам мисоли,
Армонга, кул бўлса согинган висол
Багримни тилкалаб ғам қучса бисёр,
Сизни согинаман, она-онажон!

Ғам кулфат кўрмагай оқар дарёлар,
Чуққилар виқори, кўк ўпар тоглар
Менинг дардноқ қалбим, кимга ҳам ёқар
Сизни согинаман, она-онажон!

Калбимни эзади бир мунгли туйгу,
Қўз ёшим сел бўлиб оқади қайгу,
Тогу-тошда эшишиб, йиглайди оҳу
Сизни согинаман, она-онажон!

Қўзларимга сиз-сиз олам зим-зиё,
Ўрнингизни босолмай нур, зиё,
Қароғимда турсиз порлаб гуё,
Сизни согинаман, она-онажон!

Мұхаббат

О, муҳаббат сенинг бўйнингдан,
Қонмоқ ўзи қанчалар ҳузур
Ҳасрат, алам арир кўнглингдан
Руҳинг туяр ажиб баҳт, сурур.

Сен шўх қизнинг кўзидағи ўт,
Келинчакнинг юзидағи нур.

Сен шоирнинг қалам учидан,
Тўкилай деб титраб турган дур.

Сен, шунчалар оҳанграбосан,
Нафосату, латофатга бой.

Тугён бериб осуда дилга,
Сен бамисли бедор, тошқин сой

Киши қоридек, биллур туйгули,
Баҳор чоги очилган гулим,
Сен борсанки, йироқдир қайгу,
Сен борсанки, мунааввар дилим.

Оналига

Онажоним, сизни эрка қизингизман,
Дадам айтган ойдеккина юзингизман,
Бу дунёда сизнинг кўрап кўзингизман,
Онажоним, кўзларингиз гам кўрмасин.

Онажоним, соchlарингиз оқину пай
То тирикман, юзингиз чўги бўлай,
Иzlарингиз кўзларимга сурма қилай,
Онажоним, кўзларингиз нам кўрмасин.

Онажоним, этакингиз меҳробимдир,
Изингизман, фарзаандларим чирогимдир
Ўгитингиз йўлда таянч, яргимдир,
Онажоним кўзларингиз гам кўрмасин.

Ҳижрон

Согинч дарди куйдирар тунлар,
Ҳижрон тоши дилни ёндирав,
Кайда қолди тотли туйгулар,
Кайда қолди ширин хаёллар.

Оппоқ, ойдин йўлаклар бизни
Етакларди хиёбон сари,
Соямизниң бирлашувидан
Тепамизда баҳт энтикарди.

Нима бўлди-билмайин қолдим,
Баҳт ўрнини олдику ҳижрон.
Сенинг васлинг куйида ёндим
Кел азизим, келақол жонон.

Аёл

Сен шунчалар нозиксан, аёл
Хаёлларинг шунчалар ширин.
Сен нурлардан яралган хаёл,
Вужудингда тугён яширин.

Дилда бисёр дарду аламинг,
Яширасан дудоқларингда.
Лабларингда майин табассум,
Жилоланар ёноқларингда.

Сен нақадар дилбарсан аёл,
Йўгрилгансан назокат билан.
Иффат сенга ҳамиша ҳамроҳ,
Малоҳатда нозиксан гулдан.

Мажнунтол

Мажнунтолим, сен нечун,
Ерга қараб турасан.
Қирқта ўраб кокилинг
Ширин хаёл сурасан.

Машуқасан дардингни
Айтолмайсан бирорга.
Тинглаб йигит-қиз розин
Қаролмайсан юзимга.

Онажоним

Онажоним, соchlарингизни
Юзларимга суртгим келади.
Онажоним, юзларингизга,
Меҳр билан боққим келади.

Онажоним, таърифингизга,
Сўз тополмай, уйлаб эрта кеч,
Шунчалар ҳам муnisу-ширин,
Дил меҳрингиз тугамайди ҳеч.

Сиз дардкашим, сиз сирдошимсиз,
Сиз меҳробим, мушфиқ оқилам.
Сиз богимда очилган гулим,
Ёзсан камдир, минг битта қалам.

Орзуларим

Орзуларим қанот бер менга
Кўкка томон парвоз қилайин,
Юлдузларла суҳбатлар қуриб,
Ширингина хаёл сурайнин.

Эл дардида куйиниб-ёниб
Дилдан ёниб куйласам дейман,
Муҳаббатга ошно дилларни
Қалбларига нур чироқ ёқсам.

Ул меҳрибон оқ кўнгилларни
Малҳам, бўлсам дардига шояд
Онажоним меҳрибонимни
Шеърга солиб куйласам фақат.

На элии

Тупрогингни кўзга суртай эй, она элим,
Сувларингни суйиб упай эй, она элим,
Юзларинга юзим куйиб, адойинг бўлай,
Қучогингда бир гул бўлай эй, она элим.
Сени ёмон деганларга тор бўлсин дунё,
Таъна тоши отганларга дор бўлсин дунё,
Тузинг ичиб тупурганга лаънат муқаррар,
Элнинг асл ўглонига бор бўлсин дунё.
Сен саҳродан дур ундирган, қадоққўл элим,
Буюклигин ўзи билмас соддадил элим.
Соф меҳнатин ила юртни мунааввар этиб,
Мангу эъзоз, қадр топган бола феъл элим.
Мудом бўлсин боғларингда булбул хониши,
Навбаҳорда огоҳ этсин кўкламнинг тўйи
Сенинг мадҳинг менга эрур беқиёс ҳузур
Омон бўл эл, омон бўл юрт эй, Хумо қуши.

Сиз...

Сиз муҳаббат богининг беқиёс сultonисиз,
Сиз садоқат бобининг бепоён уммонисиз,
Сиз десам саҳроларда оҳ урган Мажнундайин,
Бу умр карвонимнинг йўлдоши, сарбонисиз.

Сиз Фарҳодсиз, мен эса Шириннинг ол қониман,
Гоҳ Лайлидек саргашта ошиқнинг дармониман,
Сиз Отабек, мен ила баҳтиёр шу замонда,—
Не баҳтки, мен Кумушнинг ушалган армониман.

Манзара

Күк юзини қоплади булут,
Гулдиради момоқалдирок.
Чақиндайин ёришиб фалак,
Дерезамга урилди чақмоқ.

Ёмғир ёғар мисоли шаршара,
Ерда үзин изин қолдириб
Суз ҳам келар қуюн мисоли,
Хаёлимга ёмғирдай булиб.

Томчилар менинг ҳар сўзим
Айланади туйгулар байтга.
Яшиндайин ёришар юрак,
Ошно бўлиб мунааввар пайтга.

Қизгалдог

Қизгалдогим,сен ўхшайсан сулув қизга,
Илк севгига ошно бўлган гунча юзга.
Қоматлари нозик ниҳол бир сулувнинг,
Ибосига қиёс йўқдир сиздан ўзга.

Қизгалдогим,сен ўхшайсан қизалоқقا,
Оташ меҳр порлаб турган дур ёноққа.
Қора,шаҳло кўзларига шабнам қўнган,
Қулоқларинг ўхшаб кетар дур балдоққа.

Базритош аёлга

Қайдин келди шунча дард алам
Қайдин келди шунча изтироб
Ҳамроқ бўлди қайдин бедорлик,
Кутганларим бўлдими сароб?

Адо қилиб ҳажринг ўтида,
Куйдирганча борлигим-борим.
Қайрилиб ҳам боқмай ҳолимга,
Ўтиб кетдинг-багритош ёrim.

Кимдан ўтди,-менданми, сендан,-
Тингла сўзим, бевафо санам
Қалбинг омон бўлса келақол,
Дилдан ўчсин қайғу ва алам.



Отажоним

Отажоним-менинг мунгли дармонимсиз,
Түёлмагин, лекин мангу армонимсиз
Кечакундуз хотириңгиз таянч менга,
Дийдоримга түймай кетган сарбонимсиз.

Фарзандингиз чирогингиз-ёқди бу кун,
Армонингиз ёғду бўлиб балқди бу кун,
Дилбандларим лойиқ бўлсин изингизга,
Кўзларимдан армон сели оқди бугун.

Қизларингиз ўсиб, униб устоз бўлди,
Ўрнингизни босганлари хўп соз бўлди.
Акам-укам ҳур Ватаним кўмакчиси,
Мадҳингизни қанча битсам у оз бўлди.

Отажоним-менинг мунгли дармонимсиз
Түёлмаган, лекин мангу армонимсиз.
Кечакундуз хотириңгиз таянч менга,
Дийдоримга түймай кетган сарбонимсиз.



Само

Эй само оч рухсорингни,
 Қошу-камонингни кўрай.
 Танга малҳам, дилга ҳузур,
 Чашму-ҳилолингни кўрай.

Ой рухсоринг илкидаги,
 Офату ҳолингни кўрай
 Кундузи карвонга сарбон,
 Юлдуз зилолингни кўрай.

Намозшом машҳар мисол,
 Ботгувчи чўгингни кўрай
 Жамолинг жилvasи ичра,
 Ҳам бору, йўгингни кўрай.

Эй само жамолингни,
 Айлама жоним ёқиб,
 Хуснинг шайдо қилган,
 Наввоту болингни кўрай.

Ҳумо қуш чарх айласин,
 Бошимиз узра тинмайин
 То тирикман бу ҳаётда,
 Нурли иқболингни кўрай.

Куйлари...

Мажнунтол тушида қиз йиглар эмиш,
 Йигитга айтолмай севги дафтарин
 Тулин ой ичикиб раҳми келармиш,
 Тинглаб қизнинг аччиқ севги дафтарин.

Мажнунтол жилмайиб уйгонди тонгда,
 Яна бир бегубор биллур тонг отди.
 Қизнинг ҳам кўнглида ёришди офтоб,
 Куйлари

Куйлари

Элни

уйготди.

Устозга эҳтиром

Зиё нурин тарқатувчи оқилу доно,
Меҳр нурин таратувчи илмли зукко,
Ҳаёт бодин яратувчи комилу замон,—
Эй азиз устозим, сизга эҳтиром!

Билим бериб кўзингиз нурга тўлди,
Меҳр бериб қалбингиз дурга тўлди,
Сузларингиз бамисоли гавҳардек,—
Эй азиз устозим, сизга эҳтиром!

Багрингизнинг гунчалари қийгос бўлди,
Униб ўсиб ўзлари ҳам устоз бўлди,
Гурурланган кўнглингизда эъзоз бўлди,
Эй азиз устозим, сизга эҳтиром!

Бадор осмони

Қора чодир кийинди осмон,
Кўкни тутди гулдирос момо..
Кун айланди ҳудди тун каби,
Ёшин тўқди зериккан само.

Камалаклар қувнатиб кўзни,
Овутмоқчи гўё самони.
Кўк, булатлар кўрқсан боладек,
Қочиб қолди қучиб офтобни.

Осмон хафа боқиб заминга,
Дардин айтмоқ бўлар истаги
Ёғдуларин юбориб кўздан,
Дил қатида қолди тиласи.

Қуёш кўкда ҳудди келинчак,
Ой булатлар ёйилди ҳушҳол
Табиатнинг хуш жилвасидан
Қир-адир лол, дов-дараҳтлар лол.

Табиат

Табиат айладинг ошигу шайдо,
Жамолинг қалбимни мафтункор этди.
Таънимга ҳуш ёқиб мусаффо ҳаво,
Ишқимни оламга ошкора этди.

Инжиқлигинг менинг феълимдек гүё,
Сулувлигинг гуллардек барно.
Чор атрофинг нурли сер жило,
Сен диловар, сен гули-раъно.

Шуълаларинг кўнглимдайин оқ,
Оташ қалбинг қўшикдек мумтоз.
Инжуларинг виқорли оппоқ,
Келгил куйлаб оташ қалбим ёқ.

Мулоқот

Сен нечун хомушсан, оппоқ терагим,
Бўйинг ахир етти осмон билан тенг.
Сенга мени жуда ҳавасим баланд,
Осмонни бағри кенг, кўкни бағри кенг.

Эй, оқ терак, оқбадан терак,
Қўлларингни юлдузларга чўз.
Эй, ёрининг йўлига қараган малак,
Юлдузлар ҳақсўз, оймомо ҳақсўз.

Дилдан дардлашавер, юрагингни оч,
Кўкда майдагаплик асло бўлмайди
Айт, айтавер дилингдагингни,
Оймомо кулмайди,
Юлдуз кулмайди.

Баҳорим

Келдингми баҳорим, гулим гул юзим,
Сени дала қирлар, анҳор согинди.
Согинди элу-юрт, согиндим үзим,
Бойчечак, чучмомо, гуллар согинди.

Оллоҳга шукурки турналар қайтди,
Үйимга чарх уриб кирди қалдирғоч,
Осмон ҳам бөглади камалак белбог,
Деҳқон ишларига тиланди ривож.

Баҳорим, Наврӯзим, жоним жаҳоним
Бутун борлигимни лолангдай ёндири.
Интизор қалбларни васлинга чорла,
Сен баҳор, сен ҳумор, гули-райхондир.

Қалам

Нозиккина ингичка қалам,
Сирларимдан ёлғиз гувоҳим,
Сирдош үзинг, дарддош үзингсан,
Айирмасин сендан илоҳим.



Ота қишлоқ

Бир қишлоқ бор шаҳар четида,
Согинчларим сел қилган қишлоқ.
Бир қишлоқ бор шаҳар четида,
Мөхрим унга пайваста, муштоқ.

Үнда қизлар кенг далаларда,
Құшик күйлаб айтади алёр.
Кексалари хиргойи қилас
Омон ёрни, күйлаб омон ёр.

Әгатларда пахталар қийғос,
Шивир-шивир айттар әртагин.
Чеварлари бир-бирин имлар,
Хой, Шоҳсанам үзинг күйлагин

Оппоқ пахта гар айтса құшик,
Қизлар қулиб тушар рақсга.
Қуёш боқар маҳлиё бұлиб,
Пахтазордек оппоқ нақшга.

Бир қишлоқ бу, соддадил қишлоқ
Одамлари гурунгга ташна
Отажоним үтган қишлоқ, бу
Чирой очгин, гуллагин яшна.

Бұлбулим

Гамзаларинг лол айлади булбулим,
Дилимни хүшқол айлади булбулим,
Хонишингга садқа бұлсин бу жоним
Булбулгинам, булбулгинам, булбулгинам.

* * *

Гуллар барги узра шабнам томчилар,
Шоирлар наздидан бу биллур баёт
Ҳар тонгни қаршилар оппоқ орзулар,
Орзу билан күркам мунаввар ҳаёт.

Бахтимнинг тонгига ишқимнинг сози,
Сайроқи булбулим, дилимга хамроз.
Танимни яиратар, оташ қуёшим,
Бахтимсан,

бахтимсан,

келар хуш

овоз.

Мұхаббат

Түгён урар қалбда бир туйғу
Тұлқин қаби күпирар юрак.
Сузим безовтадир, үзим безовта,
Үйқусиз тунларим-бу ишқдан дарак.

Хаёлларим учыр сен томон,
Юракда бир ажиб тола туп.
Күргим келар сени эй, дилдор
Юракда бир ажиб галаён.

Талпинаман гул хұмморимга
Хаёлимда хүшсуръят висол,
Қандай савдо тушди бошимга,
Ё севгimu, ё ишқому савол?!

Бу муҳаббат қалбинг этар ром
Бу муҳаббат күпиради кон
Муҳаббат деб ҳайқиргим келар
Бу муҳаббат севги тұла жом.

Шеърият

Қалбимни чулгаса, алам изтироб,
Дилимни бөгласа қайгу ва ҳасрат,
Надомат қопласа танимни мутлоқ,
Сендан нажот топдим гүзал шеърият.

Гоҳида шодонлик, гоҳ ўксиганда,
Гоҳ тушда, гоҳида Айни тонг фурсат,
Гоҳ ёниб, гоҳ куйиб, шамдек қотганда
Сендан нажот топдим азал шеърият.

Сен менинг якка-ю, ягона дардим
Севинчим, қувончим, дилимда кат-кат
Сен менинг, йилт этган меҳр қуёшим,
Сендан нажот топдим газал шеърият.

Шеърият, сен менинг дўстим, дилдошим,
Тилагим, истагим, бахтим, соф ният
Сенинг нафасингиз шамолман иссиз
Сендан нажот топдим асал шеърият.



* * *

Кунлар ўтаётир бамисли уммон,
Ёш ҳам кетаётир бамисли ҳазон,
Үйласам муаллақ бирор нарса йүқ,
Бари ўтаверар шаксиз, беомон.

Бу дунёда баҳор ўткинчи,
Хаттоки гўзаллик дилдор ўткинчи,
Ўткинчи йилда бир келувчи кўклам,
Булбулдек гамзали хумморм ўткинчи.

Йиллар ўткинчидир, кунлар ўткинчи
Зулматдан коронгу тунлар ўткинчи.
Ортга асло қайтмас умр баҳори,
Севгидан энтиккан онлар ўткинчи.

Фақат инсонлардан қолур хотирот,
Қобил фарзанд ила колур яхши ном
Қолади оташин севги ёлқини
Умр-тонг билан, қоронгулик шом.

Ҳон ушоғи

Оёқ остига тушган
Ушоқни олгин болам
Худонинг олдига ҳам
Савобга қолгин болам.

Ота-онанг меҳнатин,
Қадрла жоним болам.
Ахир ўша ушоқ ҳам
Ҳон дейилар шалолам.

Бунда бобо деҳқоннинг,
Меҳнати сероб билсанг.
Кечакундуз тинмаган
Арзийди тавоғ қилсанг.

Ял-ял ёнар бугдойзор,
Кўрсанг қўзинг қамашар
Олтиндайин товланиб,
Қуёш билан талашар.

Мул бўлсин бугдойимиз
Мул-кўл бўлсин донимиз,
Ватанимиз бой бўлсин
Сероб бўлсин нонимиз.

Дунё

Сен бағримни доклама дунё
 Үксик қалбим тиглама дунё
 Ёшликдаги армонларимни
 Қайта бошдан бошлама дунё.

Отагинам руҳини шод эт,
 Армонлари бари ушалсин.
 Онагинам умрии узайтири
 Дилем түйіб мәхрға қонсин.

Нуридийдам чеккан заҳматни,
 Кўрмасин ҳеч қайси бир фарзанд
 Дилларида неки истак бор
 Дунё ўзинг қиласвер дилбанд.

Мұхаббатим, қалдасан?

(Құшним Мехринисога)

Мұхаббатим қайга кетдинг күзим ёшлаб,
 Ҳижрон ёқди бир умрга күнглим гашлаб,
 Армон йиглар юрагимда кўксин муштлаб,
 Мұхаббатим қайга кетдинг, мени ташлаб?

Юрак ахир сен томонга талпинади,
 Қарорим йўқ,— фигонимдан чанг чиқади,
 Майин еллар соchlаримдан тортқилайди
 Мұхаббатим қайга кетдинг, мени ташлаб.

Ётай десам ёстиқларим тошдек қотди,
 Юрагимнинг ёлқинлари музга ботди.
 Бинафшалар менга боқиб қўшиқ айтди,
 Мұхаббатим қайга кетдинг, мени ташлаб.

Балки бир кун бошинг эгиб қайтадурсан
 Пушаймонинг йиглаб - йиглаб айтадурсан
 Фарзандингдан меҳру - шафқат истайдурсан
 Мұхаббатим қайга кетдинг, мени ташлаб.

Қарамадинг ёр

Нигоҳингга эдимку ташна,
 Қарамадинг бир бор қайрилиб.
 Қалбим дарди кучайди яна,
 Қарамадинг бир бор қайрилиб.

Хижрон дарди бу күнглим ёқди,
 Шабадалар гулчамбар тақди.
 Үриб турган юрагим ёнди,
 Қарамадинг бир бор қайрилиб.

Армон билан ўтдим бир умр,
 Гам аламда қолдим бир умр.
 Васлинг менга қилмади насиб,
 Қарамадинг бир бор қайрилиб.

Куз япроқлари

Мен соғиндим ишқ йұлагида
 Куз тұшаган олтин япрогни
 Сенла қеңған ажыб оламда
 Сүйған эдим хазонрез өнгни.

Япроқларда кузнинг сураси
 Мұҳаббатдай күнар юракқа
 Ошиқларнинг менга девонаси
 Маңкум эдим жонни бермоққа.

Мен соғиндим гилам тұшаган,
 Кузнинг олтин ёноқларини.
 Дайди шамол барглари узра
 Ишқ хатидек япроқларини.

Бекажонларим

Сиз бағрим олмосдай оташ ёғдуси
 Сиз оппоқ бахтимнинг нурли қуёши
 Сиз кўнглим гавҳари шому чироги
 Ойдин-ойдек бекажонларим.

Кўнглингиз маҳлиё шер йигитларга
 Довюрак паҳлавон эр йигитларга
 Номард эмас, зукко, зур йигитларга
 Ноали-нозли бекажонларим.

Сиз ота-онангиз кўзи қароги,
 Обруси, виждони, номуси-ори.
 Сиз билан келажак порлоқ, викорли,
 Сулув-сулув бекажонларим.

Келажакда тотли ҳаёт ёр бўлсин,
 Кайнонангиз меҳр ила сизга термулсин.
 Ерингиз чин дилдан севиб гул тутсин
 Ҳаёли-иболи бекажонларим.

Бегим

Севгим, муҳаббатим қалбим таянчи,
 Ҳаётим ишончи, бахтим қувончи,
 Муҳаббатим тожи, меҳрим чашмаси
 Қалбим сизга бахшида бегим.

Сизнинг меҳрингизла оқ бахтим улуг
 Ҳаётда иқболли рӯз топдим буюк
 Армон эмас, севги оташли суюк
 Қалбим сизга бахшида бегим.

Қошларим пайвастаси бўлсин камон
 Қалбим чўги бир умрга қолсин посбон
 Бахтимиз гул дафтари тўлсин шодон
 Қалбим сизга бахшида бегим.

Севгимиз гунчаси топмасин завол
 Фарзандимиз етуқ топсиналар камол
 Оллоҳим берсин порлоқ истиқбол
 Қалбим сизга бахшида бегим.

Болам

Алла болам, алла болам,
 Йигламагил сен дам-бадам.
 Ота-онанг бүлур ҳамдам
 Ёшликдан мард ўсгин, болам.

Мард ўглон танти булади,
 Элининг олди бүлади.
 Ватандан қувват олади,
 Ёшликдан мард ўсгин, болам.

Ёмонларга йўлдош бўлма,
 Номардларга сирдош бўлма,
 Тўғри йўлдан ҳеч адашма,
 Ориятли бўлгил болам.

Ота-онанг сўзин уйла,
 Яхшига яхшилик айла,
 Юрт ишқини дилга жойла,
 Оқилгинам бўлгин, болам.

Мазкур бўлами

Сенга раво кўрмасман ҳаргиз,
 Мусибатни, қайгу аламни.
 Сенга раво кўрмасман ҳаргиз,
 Йўлда ҳамроҳ номард одамни.

Тунлар уйгоқ юлдузга боқиб,
 Ор-у, номус ҳақда ўйлайман.
 Вужудимни титроқлар босиб,
 Тонгга пешвоз чиқа бошлайман.

Баъзилар бор құнимсиз чумчук,
Шохдан-шохча сакрар, дарди пул.
Биревлар бор ор, номус дея,—
Үз қадрини сақлайди магрур.

Магрур бұлгил эй одамизод,
Обру ҳеч ҳам пул билан келмас.
Вужудинга бұлгил соябон,
Үз қадринга үзинг етсанг бас.



Mundarija

Ilk uchrashuv.....	2
Sizni sog`inaman.....	3
Muhabbat.....	3
Onamga.....	4
Hijron.....	4
Ayol.....	5
Majnuntol.....	6
Onajonim.....	6
Orzularim.....	6
Ona elim.....	7
Siz.....	7
Manzara.....	8
Qizg`aldoq.....	8
Bag`ritosh ayolga.....	9
Oshiqmisan.....	9
Otajonim.....	10
Samo.....	11
Kuylari.....	11
Ustoxga ehtirom.....	12
Bahor osmoni.....	12
Tabiat.....	13
Muloqot.....	13
Bahorim.....	14
Qalam.....	14

Ota qishloq.....	15
Bulbulim.....	15
Muhabbat.....	16
She'riyat.....	17
Nonushog'i.....	18
Dunyo.....	19
Muhabbatim qaydasen.....	19
Qarading yor.....	20
Kuz yaproqlari.....	20
Bekajinlarim.....	21
Begin.....	21
Oshiqmisan	22
Bolam	22
Mag'rur bo'lgin	23

Ҳалима ҲАМРОЕВА

ДИЛРОЗ

(she'rlar)

Muharrir: **Dilmurod JABBOR.**

Tex. muharrir: **O'tkir IBODULLAEV.**

Musahhih: **Zuhra AKRAMOVA.**

Terishga berildi 6.01.2006 y. Bosishga ruxsat etildi 15.01.2006 y. Bichimi 60x84/16. Gazeta qog'oz. Shatrlı bosma tabog'i 3,2. Nash soni 81. Buyurtma № 56.

"Buxoro" nashriyoti. Buxoro shahri, I. Mo'minov, 27.

"Buxoro viloyat bosmaxonasi" MCHjsida 2000 nusxada chor etildi. Buxoro shahr, I. Mo'minov 27-uy.